

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТАДЖИЕВА ШАХНОЗА АБДУВАЛИЕВНА**

**АЗОТСАҚЛОВЧИ ГЕТЕРОЦИКЛИК БИРИКМАЛАР  
ҲОСИЛАЛАРИНИНГ СИНТЕЗИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Таджиева Шахноза Абдувалиевна</b> Азотсақловчи гетероциклик бирикмалар ҳосилаларининг синтези ва технологияси.....	3
<b>Таджиева Шахноза Абдувалиевна</b> Синтез и технология производных азотсодержащих гетероциклических соединений .....	21
<b>Shakhnoza Tadjieva</b> Synthesis and technology of derivatives of nitrogen-containing heterocyclic compounds.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> <b>Список опубликованных работ</b> <b>List of published works .....</b>	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТАДЖИЕВА ШАХНОЗА АБДУВАЛИЕВНА**

**АЗОТСАҚЛОВЧИ ГЕТЕРОЦИКЛИК БИРИКМАЛАР  
ҲОСИЛАЛАРИНИНГ СИНТЕЗИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Т1282 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tkti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Максумова Ойтура Ситдиковна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тешабаева Илмира Убайдуллаевна**  
техника фанлари доктори, доцент

**Худойбердиева Дилфуза Бахрамовна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «03» 03 соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti\_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (287 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2022 йил «18» 02 куни тарқатилган.  
(2022 йил «18» 02 даги № 96 рақамли реестр баённомаси).



**С.М.Туробжонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.И. Кадиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**Т.Рахмонбердиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ ( фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда бензол халқаси билан конденсирланган полиазот сақловчи гетероциклик бирикмалар, ултрабинафша нур таъсирига чидамли полимер материаллар, бўёқлар, коррозия ингибиторлари, ёқилғи ва мойлар учун қўндирмалар, каучуклар вулканланиш жараёнини тезлаштиргичлари, полимер композиция стабилизаторлари сифатида кенг қўлланилади. Шу билан бирга фаол функционал гуруҳлар сақловчи гетероциклик бирикмалар ҳосилаларини қайта ишлаш билан амалий жиҳатдан фойдали хоссали моддалар олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда икки ва уч азотгетроатомли гетерофункционал мономерлар асосида УБ-стабилизаторлар яратиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада бензол ва азол халқали фаол реакция марказларга эга бензимидазол, бензотриазолларни N-аллиллаш билан имидазолий асосли мономер тузлар синтез қилиш, уларни юқори ҳарорат ва қуёш нури таъсирига чидамли, полимер матрица деструкциясини камайтирувчи ва механик хусусиятларини оширувчи қўшимчалар сифатида қўллаш, УБ-стабилизаторлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда амалга оширилаётган кенг чора-тадбирлар натижасида кимё ва фармацевтика саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш, хомашёларнинг янги захираларини яратиш, улар асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш, жумладан азотсақловчи гетероциклик бирикмалар асосида янги тўйинмаган гетероароматик бирикмаларни синтез қилиш ва улардан ултрабинафша нур таъсирига чидамли полимер материаллари ишлаб чиқариш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада бензимидазол ва бензотриазолларни аллиллаш реакциялари асосида 1,3-диаллил-бензимидазолий ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид мономер тузларини олиш, улар асосида радикал полимерланиш ва сополимерланиш технологияларини мақбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори

«Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Азотсақловчи гетероциклик бирикмаларни синтез қилиш, гетероциклик мономер ва полимерлар кимёси ва технологияларини ривожлантириш бўйича Т.В. Maram, М.Н. Moustafa, В. Sundararaju, V. Gangavaram, В.А. Кабанов, Д.А. Топчиев, И.В. Малкандуев, Ю.А. Ведерников, Т.А. Подковырина, М.Р. Байрамов, Ш.З. Гасимова, В.С. Васин, Т.Ю. Колдаева, М.Г. Воронков, О.М. Трофимова, А.В. Гордеева, В.А. Анисимова, А.Т. Джалилов, С.Р. Рашидова, М.А. Асқаров, Д. Юсупов, А.Г. Махсумов, С.М. Туробжонов, О.М. Яриев, Т.Б. Бобоев, О.С. Максумова, А.С. Рафиков ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан хусусиятлари аввалдан белгиланган азотсақловчи гетероциклик бирикмаларни кватернизациялаш, гетероатом бўйича аллиллаш ва алкиллаш жараёнларининг илмий асослари яратилган, структураси тадқиқ қилинган ва ишлаб чиқариш технологиялари тавсия этилган.

Шу билан бирга икки ва уч азотгетероатомли бензозоллар тутган гетерофункционал мономерлар олишнинг самарали усуллари яратиш, уларнинг радикал полимерланиш шароитлари ва кинетик қонуниятларини аниқлаш, кимёвий реагентлар ва ултрабинафша нур таъсирига чидамли полимер материаллари олиш технологиялари бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-12-75 «Терига ишлов бериш учун биологик фаол моддаларни яратиш» (2015-2017 йй.) ва Ф7-04 «Шўртан-газ кимё мажмуаси оралик маҳсулотлари (суюқ олефинлар) асосида олинадиган фаол функционал бирикмаларнинг структураси ва хоссалари боғлиқлигини илмий асосларини яратиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** азотсақловчи гетероциклик бирикмалар - бензимидазол ва бензотриазол ҳосилаларини олиш технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бензимидазол ва бензотриазолни аллиллаш билан 1,3-диаллил-бензимидазолий ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид мономер тузларини олиш;

1,3-диаллилбензимидазолий ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид мономер тузларининг радикал полимерланиши ва акрил кислотаси билан сополимерланиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

бензимидазол ва бензотриазол асосида синтез қилинган маҳсулотларнинг структурасини ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

олинган диаллил мономерлар билан полиэтиленни модификациялаш ва физик-механик хоссаларини аниқлаш;

синтез қилинган бирикмаларни полиэтилен плёнкалари учун УБ-стабилизаторлар сифатида қўллаш;

бензимидазол ва бензотриазол ҳосилаларини олиш технологиясини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бензотриазол, бензимидазол, аллил бромид, акрил кислота ва бензотриазол, бензимидазол фрагментли диаллил тузлари, полимер ва сополимер бирикмалар, модификацияланган полиэтилен пленкалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бензотриазол, бензимидазол асосида диаллил мономерларининг полимерларни олиниш, уларни акрил кислотаси билан сополимерланиши, мономерлар олиш жараёнлари технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида ИҚ-, ЯМР-, ПМР-спектроскопия, хромато-масс-спектрометрия, термоаналитик таҳлил АКМ-микроскопия, шунингдек олинган тажрибавий маълумотларни статистик қайта ишлашнинг аналитик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

этанол муҳитида, 60 °С ҳароратда бензимидазол ва бензотриазолни аллилбромид билан аллиллаш реакцияси натижасида юқори унум билан 1,3-диаллилбензимидазолийбромид (80%) ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид (84%) тўртламчи тузларини ҳосил бўлиш усули ишлаб чиқилган;

1,3-диаллилбензимидазолий ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид тўртламчи аммоний тузларини радикал инициаторлар иштирокида полимерланиш жараёнининг мақбул шароитлари аниқланган ва қўлланилган инициаторлар орасида калий персулфат энг самарали эканлиги исботланган;

1,3-диаллилбензотриазолийбромид билан акрил кислотанинг бинар сополимерланиш реакциялари олиб борилган ва реакциянинг боришига таъсир этувчи асосий омиллар (реакция ҳарорати ва давомийлиги, сомономерлар нисбати, инициатор табиати) аниқланган, шунингдек аналитик, Файнман-Росс усуллари ёрдамида жараённинг сополимерланиш константалари ҳисобланган;

бензимидазол ва бензотриазол ҳосилалари асосида олинган бирикмалар 3% қўшилганда полиэтилен плёнкаларини УБ-нурлардан сақлаш хусусиятларини намоён этиши аниқланиб, эталон намунага нисбатан узилишдаги мустаҳкамлиги 13,7% ва нисбий чўзилувчанлиги 15,2% юқори эканлиги асосланган;

бензотриазол ва бензимидазол фрагментли азотли гетероциклик бирикмалари олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

бензимидазол ва бензотриазолни аллилбромид билан аллиллаш реакциялари орқали диаллил мономерлари олиш жараёнларининг мақбул шaroитлари аниқланган;

бензотриазол асосида полиэтилен плёнкалар учун полимер матрица деструкциясини камайтирувчи ва материалнинг механик хусусиятларини оширувчи УФ-стабилизаторлар ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқоти замонавий физик кимёвий тадқиқот усуллари (ИК-, ЯМР-, ПМР-спектроскопия, хромато-масс спектрометрия, термоаналитик таҳлил, оптик ва АКМ микроскопия) билан исботланган. Шунингдек, технологик, физик-механик, техник усуллари қўлланилганлиги ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аллил бромид билан бензимидазол, бензотриазол асосида илк бор диаллил мономерлари синтези ва уларни радикал полимерланиши, ҳамда акрил кислота билан сополимерланиш реакциялари натижасида чизиқли полимер маҳсулотлари олиш жараёнларининг оптимал шaroитларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти азотсақловчи гетероциклик бирикмалар - бензимидазол ва бензотриазол асосида мономерлар ва юқори ҳароратга чидамли полимер бирикмалар олиш, полиэтилен плёнкаларини УБ-нурлардан ҳимоя қилувчи самарали УБ-стабилизаторлар сифатида фойдаланишга тавсия этишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Азотсақловчи гетероциклик бирикмалар - бензимидазол ва бензотриазол ҳосилаларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий-тадқиқот натижалар асосида:

бензотриазол ва аллил бромид асосида мономер ишлаб чиқаришга ташкилот стандарти «O'ZSTANDARD» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 201912314-001:2021). Натижада, полиэтилен пленкаларининг деструкциясини олдини олиш хусусиятига эга бўлган УБ-стабилизатор олиш имконини берган;

бензотриазолни аллил бромид иштирокида аллилаш билан диаллилбензотриазол бромид тўртламчи аммоний тузларини олиш технологияси «Жиззах пластмасса» АЖнинг «амалиётга жорий этиш буйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзкимёсаноат» АЖ 2021 йил 6 майдаги 14-1698-сон маълумотномаси). Натижада юқори ҳарорат ва қуёш нури таъсирига чидамли полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари



асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган бўлиб, 111 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробация ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **«Азотсақловчи гетероциклик бирикмаларни олиниши, хоссалари ва қўлланиш соҳаларининг замонавий ҳолати»** номли биринчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, унда бензимидазол ва бензотриазол асосидаги гетероциклик бирикмаларнинг синтези, хоссалари ва қўллаш соҳалари, диаллил мономерларини полимерланиш, сополимерланиш ва бензимидазол, бензотриазол асосида УБ-стабилизаторлар олиш, хоссаларини ўрганишга бағишланган. Кўрилган адабий шарҳлар асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.


Диссертациянинг **«Дастлабки реагентларнинг физик-кимёвий хоссалари, маҳсулот олиш ва уларни тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун танланган объектлар, моддаларнинг олиниш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш усуллари келтирилган. Бензимидазол ва бензотриазолни аллиллаш реакциялари асосида 1,3-диаллилбензимидазолий ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид тўртламчи аммоний тузларини олиш усулини яратиш, радикал полимерланиш ва акрил кислота билан сополимерланиш жараёнлари келтирилган. Синтез қилинган моддаларнинг таркиби ва тузилишини аниқлашнинг физик-кимёвий усуллари баён этилган.

Диссертациянинг **«Бензимидазол, бензотриазол ҳосилалари синтези, хоссалари ва технологияси»** деб номланган учинчи бобида бензимидазол, бензотриазол асосида 1,3-диаллилбензимидазолий ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид тузларини олиш усулини, радикал полимерланиши, акрил кислотаси билан сополимерланиш жараёнларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Мономер ва полимер маҳсулотларининг ҳосил бўлиш унумига турли омиллар: (эритувчининг табиати, реагентларнинг нисбати, ҳарорат, реакция давомийлиги ва бошқалар) таъсирини аниқлаш натижалари, радикал полимерланиш ва сополимерланиш жараёнлари, ҳамда синтез қилинган

мономерлар ёрдамида модификация қилинган полимернинг (ПЭ) физик-механик хоссалари ўрганилган.

Дастлаб, бензотриазол ва бензимидазол асосида 1,3-диаллилбензимидазолий ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид мономер тузлари синтез қилинган. Бензимидазол, бензотриазол ва аллил бромид асосида 1,3-диаллилбензимидазолийбромид (1) ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид (2) мономер тузларининг ҳосил бўлиш реакция схемаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:




Экспериментал тадқиқотларга кўра, синтез қилинган 1,3-диаллилбензимидазолий ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид тузлари сувда ва органик эритувчиларда (диметилформамид, этанол) яхши эриши аниқланган.


Жараённинг оптимал шароитларини аниқлаш мақсадида, эритувчининг табиати, ҳароратнинг реакция маҳсулоти унумига таъсири аниқланган.

Тадқиқот натижаларига асосан, бензимидазол, бензотриазолларни аллилбромид билан аллиллаш реакциясида энг яхши эритувчи сифатида этанол

танланган. 1,3-диаллилбензимидазолий ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид тўртламчи аммоний тузларини ҳосил бўлиш унумига ҳароратнинг таъсири аниқланган (1,2-расмлар).



**1-расм. 1,3-диаллилбензимидазолийбромиднинг ҳосил бўлиш унумига реакция давомийлигини турли ҳароратларда таъсири, °C: 1-20; 2-40; 3-60**



**2-расм. 1,3-диаллилбензотриазолийбромиднинг ҳосил бўлиш унумига реакция давомийлигини турли ҳароратларда таъсири, °C: 1-30; 2-50; 3-70**

Олинган натижаларга кўра, ҳарорат кўтарилиши билан тузларнинг унуми ортар экан. 60°C да 1,3-диаллилбензимидазолийбромид унуми 80%, 1,3-диаллилбензотриазолийбромидники эса 84% етиши кузатилди. Синтез қилинган мономерларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари

№	Модданинг номи	Брутто формуласи	Агрегат ҳолати	Мол. масса	R <sub>f</sub>	d <sup>20</sup> <sub>4</sub> , г/см <sup>3</sup>	T <sub>суюқ</sub> , °C	Эрувчанлиги
1	1,3-диаллилбензимидазолйбромид (ДАБИБ)	C <sub>13</sub> H <sub>15</sub> N <sub>2</sub> Br	Оқ кристалл	279	0,24	0,9577	140-145	Сув, этанол, ДМФ
2	1,3-диаллилбензотриазолйбромид (ДАБТБ)	C <sub>12</sub> H <sub>14</sub> N <sub>3</sub> Br	Оқ кристалл	280	0,18	1,0012	135-140	Сув, этанол, ДМФ


Олинган мономерларнинг структураси ИҚ-, <sup>1</sup>H ПМР-, <sup>13</sup>C ЯМР-спектрлари орқали тасдиқланди (2-жадвал, 3,4-расмлар).

2-жадвал

Синтез қилинган мономернинг ИҚ-спектр таҳлили

№	Модданинг белгиси	ν, см <sup>-1</sup>				
		ν <sub>NH<sub>4</sub><sup>+</sup></sub>	ν <sub>C=N, N=N</sub>	ν <sub>C=C</sub>	ν <sub>C-H</sub>	ν <sub>бензол халқа</sub>
1	ДАБИБ	3406	1630	1610	2956	1485
2	ДАБТБ	3066	1496	1612	2906	1450


1,3-диаллилбензимидазолйбромиднинг молекуласи хромато-масс спектрда ионлаштирилганда, 3-расмдаги молекуляр массага эга бўлган ионларга хос сигналлар аниқланди. Ҳосил бўлган ионларнинг молекуляр массалари орқали синтез қилинган тўртламчи аммонийли тузнинг умумий молекуляр массаси топилди.



3-расм. 1,3-диаллилбензимидазолйбромиднинг хромато-масс-спектри.

Расмдан кўриниб турибдики, молекуляр ионнинг молекуляр чизиғи - спектрда энг юқори ютилиш соҳасини намоён қилган. Бу ҳолат ҳосил бўлган радикал катионининг юқори барқарорлигини кўрсатади. Молекуляр ионнинг парчаланиш тенденцияси ортиши билан унинг фрагмент ионларига нисбатан масса спектридаги интенсивлиги пасаяди. ДАБИБ тузининг спектрларида аллил радикалига хос бўлган  $m/z=240$  ютилиш чизиқлари аниқланди.  $\text{Br}^-$  анионнинг азот катионидан ажралиши натижасида эса,  $m/z=199$  бўлган ютилиш соҳаси кузатилган. Спектрдаги  $m/z=156,8$  соҳасидаги ютилиш чизиғининг юзага келишини,  $\text{NH}_3^+$  радикал катионидан аллил бромид молекуласининг ажралиш жараёнида ҳосил бўладиган 1-аллилбензимидазол ҳосил бўлиши билан изоҳлаш мумкин,  $m/z=118$  ва  $77$  соҳаларидаги ютилиш чизиқлари мос равишда бошланғич бензимидазол ва бензолнинг радикал катионларига хосдир.

1,3-диаллилбензотриазолийбромиднинг  $^1\text{H}$  ПМР-спектрида бензол ҳалқасининг 4-углеродида жойлашган водород атомининг кватрет сигнали 8.32 м.у. соҳада, 5 ва 6-углерод протонларининг дублет-дублет ва квадродублет сигналлари 7.93-7.83 м.у. соҳаларда, 7-углерод атоми протонининг мултиплет сигнали 7. м.у. соҳаларда кузатилди. 1,3-Диаллил-1Н-бензотриазол-1,2,3 бромид таркибидаги 1 ва 3-N атомида жойлашган аллил гуруҳлари С(1) даги ( $\text{CH}_2$ ) протонларининг дублет сигналлари 4.6 ва 3.5 м.у. соҳаларда, С(2) даги протонларнинг ( $\text{CH}=\text{}$ ) мултиплет сигналлари 6.2 ва 6.0 м.у. соҳаларда кузатилган.



4-расм. 1,3-диаллилбензотриазолийбромиднинг  $^{13}\text{C}$  ЯМР-спектри.

1,3-диаллилбензотриазолийбромид  $^{13}\text{C}$  ЯМР-спектрида 8,9 С атомининг сигналлари кучсиз майдоннинг 134 ва 136 м.у соҳаларда, 5,6 углерод атомларининг сигналлари эса 132 ва 130 м.у. соҳаларда, 4,7 углерод атомларининг сигналлари 115 ва 113 м.у. соҳаларда кузатилган. 1,3-диаллилбензотриазолийбромид таркибидаги 3-N атомида жойлашган аллил

гуруҳининг C(1) даги углерод атомининг сигнали 55 м.у. соҳада, 2 ва 3 углерод атомининг сигнали эса 128 ва 123 м.у. соҳаларда кузатилган (4-расм).

Кейинги тадқиқотларда синтез қилинган диаллил мономерларнинг радикал полимерланиш ўрганилди. 1,3-диаллилбензимидазолий ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид мономерларнинг радикал полимерланиш реакциялари сувли муҳитда 40-50°C ҳароратда амалга оширилди. Дастлабки тажрибалар ёрдамида мономерларнинг ўрганилган концентрацияларда радикал инициаторсиз полимерланмаслиги аниқланди. Полимерланиш реакциясининг асосий қонуниятларини аниқлаш учун турли хил омилларнинг: эритувчи ва инициаторнинг табиати, мономер ва инициатор концентрацияси, ҳарорат таъсири ўрганилди. Инициатор сифатида азобисизобутиронитрил (ДАК) ва бензоил пероксид, калий персульфатлардан фойдаланилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

**ДАБТБ ва ДАБИБларни полимерланиш реакция шароитлари ва маҳсулот унуми.  $[I]=2 \cdot 10^{-2}$  моль/л;  $[M]=0,1$  моль/л;  $T=40$  °C; реакция давомийлиги 60 мин**



Мономер	Инициатор	Эритувчи	Маҳсулот унуми, %
1,3-диаллилбенз-имидазолийбромид	Калий персульфат	Сув	35,6
		Этанол	20,4
		ДМФА	21,2
	Азобисизобутиронитрил	Этанол	10,2
		ДМФА	15,1
	Бензоил пероксиди	Этанол	16,7
ДМФ		18,5	
1,3-диаллилбензотриазолийбромид	Калий персульфат	Сув	40,2
		Этанол	20,9
		ДМФА	21,8
	Азобисизобутиронитрил	Этанол	10,6
		ДМФА	15,3
	Бензоил пероксиди	Этанол	16,9
ДМФА		18,9	

Олинган натижаларга кўра, мономерларнинг полимерланиши сувли муҳитда калий персульфат иштирокида ўтказилганда, полимер ҳосил бўлишининг энг юқори унуми кузатилди. 1,3-диаллилбензимидазолий ва 1,3-диаллил-бензотриазолийбромид асосида олинган полимерларнинг структураси ИҚ-спектроскопия усули орқали тасдиқланди.

Винил мономерлари билан алифатик диаллил мономерларни сополимерланиш жараёнлари ҳақидаги кўплаб маълумотлар маълум. Бироқ, синтез қилинган ДАБТБ, ДАБИБ мономерлари билан акрил кислотанинг сополимерланиш жараёнлари ҳақида маълумотлар адабиётларда мавжуд эмас. Макромолекулага азотли гетероциклик тўртламчи аммонийли гуруҳ киритилганда сополимерлар иссиқликка чидамли, антисептик каби ўзига хос

хусусиятларга эга бўлади. Шу муносабат билан ДАБТБ, ДАБИБ ва акрил кислота асосида сополимерлар олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Сополимерланиш реакцияси радикал инициаторлар иштирокида органик эритувчиларда, гомоген муҳитда амалга оширилди. ДАБТБ, ДАБИБ ва акрил кислотанинг сополимерланишини қуйидаги реакциялар орқали ифодалаш мумкин:



Сополимерланиш жараёнига турли омилларнинг таъсири: эритувчи, инициаторнинг табиати, реакция вақти ва маҳсулот унуми ўрганилди (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Сополимерланиш жараёнига эритувчилар, инициатор табиатини таъсири:  
ДАБТБ:АК, ДАБИБ:АК=1:1; [I]=2·10<sup>-2</sup> моль/л; t=70 °С**

Сомономерлар		Инициатор	Эритувчи	Реакция давомийлиги, мин ва маҳсулот унуми, %		
				20	50	80
ДАБИБ	АК	Азобисизо-бутиронитрил (ДАК)	Метанол	15,5	30,4	30,6
			Этанол	21,4	42,1	42,2
			ДМФА	35,8	72,3	72,6
		Бензоил пероксид	Метанол	6,3	10,3	10,4
			Этанол	13,1	25,4	25,5
			ДМФА	7,1	15,5	15,6
ДАБТБ	АК	Азобисизо-бутиронитрил	Метанол	16,4	32,3	32,4
			Этанол	23,2	44,5	44,8
			ДМФА	35,8	78,2	78,3
		Бензоил пероксид	Метанол	6,1	12,1	12,2
			Этанол	13,4	25,6	25,7
			ДМФА	8,5	16,2	16,3

Юқоридаги натижалардан, ДАК инициатори иштирокида ДМФА муҳитида энг юқори унуми билан сополимер ҳосил бўлганлигини кўриш мумкин. Ҳосил бўлган сополимерлар таркибига мономерлар аралашмалари таркибининг таъсири аниқланди (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Сополимерлар таркибини мономерлар аралашмасига боғлиқлиги:  
эритувчи ДМФА, T=70 °C, [ДАК]=2·10<sup>-2</sup> моль/л**

Дастлабки мономер аралашманинг таркиби, мол.%		Сополимерлар унуми, %	Vr микдори, %	Сополимерлар таркиби, мол.%		[η], дЛ/г
M <sub>1</sub>	M <sub>2</sub>			m <sub>1</sub>	m <sub>2</sub>	
<b>ДАБИБ (M<sub>1</sub>) ва АК (M<sub>2</sub>)</b>						
10	90	15,2	2,0	8,1	91,3	0,241
30	70	14,2	4,6	20,1	74,2	0,232
50	50	12,0	9,3	40,8	54,4	0,224
70	30	10,1	13	60,0	35,1	0,130
90	10	7,9	19,3	84,6	15,4	0,120
<b>ДАБТБ (M<sub>1</sub>) ва АК (M<sub>2</sub>)</b>						
10	90	16,00	1,88	8,27	91,73	0,286
30	70	14,5	5,21	22,90	77,10	0,264
50	50	12,4	8,13	35,77	64,23	0,252
70	30	10,3	12,20	53,68	46,32	0,131
90	10	8,2	16,30	71,72	28,28	0,122

Жадвалдан, барча ҳолларда сополимерлар таркиби АК звенолари билан бойиганлигини ва уларнинг характеристик қовушқоқлиги эса дастлабки мономерлар аралашмасида ДАБИБ ва ДАБТБ микдорини ортиши билан камайишини кўриш мумкин.

Сополимерланиш константаларини аниқлаш учун Файнман-Росс ва аналитик усуллардан фойдаланилди (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Сополимерланиш константалари қийматлари**

Усул номи	r <sub>1</sub>	r <sub>2</sub>	1/ r <sub>1</sub>	1/ r <sub>2</sub>	r <sub>1</sub> ·r <sub>2</sub>
<b>ДАБИБ – АК</b>					
Файнман- Росс	0,33±0,32	1,38±0,48	3,03	0,72	0,45
Аналитик	0,29±0,27	1,35±0,40	3,4	0,74	0,39
<b>ДАБТБ – АК</b>					
Файнман- Росс	0,40±0,39	1,5±0,50	2,5	0,66	0,60
Аналитик	0,32±0,30	1,47±0,46	3,1	0,68	0,47

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, икки усул билан ҳисобланган сополимерланиш константаларининг қийматлари бир-бирига



сезиларли даражада яқин ва қийматлари  $r_1 < 1$ ,  $r_2 > 1$ . Демак, дастлабки мономер аралашмаларининг барча таркибида фаолроқ компонент бўлган АК билан бойган сополимер ҳосил бўлар экан. Кўриниб турибдики, бу ҳолат АК мономерини "ўзини" ва "бегона" фаол марказларга бирикиш реакцияларининг устунлиги туфайли юзага келиши ва  $r_1 < 1$ ,  $r_2 > 1$  бўлганда сополимер макромолекулаларида  $m_2$ - $m_2$  диадли звеноларнинг ҳосил бўлиш эҳтимоли кўпроқ бўлиши мумкин.

Синтез қилинган мономерларни полиолефин плёнкалари учун УБ стабилизаторлик хусусиятини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ЎзРФА «Полимерлар кимёси ва физикаси» институтида олиб борилди. Ишда Шўртангаз кимё мажмуасининг F-0320 маркали полиэтилендан фойдаланилди.

УБ-нурланишнинг манбаи сифатида 280-350 нм тўлқин узунлик режимида ишлайдиган 60 Вт қувватига эга УБ-камеранинг TUV15W/G15T8 лампаларидан фойдаланилди. УБ-нурланиш манбаидан (TUV15W/G15T8 лампалардан) камеранинг ичидаги энг чекка нуқталаригача нурланиш камида 1 Вт/м<sup>2</sup> ни ташкил этди. Диаметри тахминан 0,1 мм қалинликдаги пленкаларни синаш 35 °С ҳароратда 480 соат давомида УБ-нурлар таъсирида амалга оширилди. Пленкаларнинг асосий кўрсаткичларини ўлчаш илмий-техник нормативларга мувофиқ амалга оширилди (ГОСТ Р 58061-2018, ГОСТ 29104.11-91).

## 7-Жадвал

### Полиэтилен пленка намуналарининг технологик хусусиятлари

Пленка номи	Узилиш мустаҳкамлиги, МПа		Узилишдаги нисбий чўзилиш даражаси, %	
	УБ нурланишдан олдинги	УБ нурланишдан кейинги (480 соат)	УБ нурланишдан олдинги	УБ нурланишдан кейинги (480 соат)
<b>ПЭ контрол</b>	17,4	15,9	667	630
<b>ПЭ ва ДАБТЬ 1%</b> Бўйига	17,9	16,5	876	710
Энига	18,2	17,8	900	780
<b>ПЭ ва ДАБТЬ 2%</b> Бўйига	19,6	18,0	958	856
Энига	20,1	19,5	980	878
<b>ПЭ ва ДАБТЬ 3%</b> Бўйига;	21,2	20,6	990	899
Энига	22,4	21,8	1000	960
<b>ПЭ ва UV-234 3%</b> (эталон) Бўйига	21,0	19,4	988	870
Энига	22,0	20,4	900	930


1,3-диаллилбензотриазолийбромид ва 1,3-диаллилбензимидазолийбромидларни полиэтилен плёнкаларининг технологик хоссаларига таъсирини ўрганиш учун уларни оптимал концентрацияси танланди. Модификация

қилинган полиэтилен пленкаларни УБ нурланишдан олдинги, УБ нурланишдан кейинги физик-механик хусусиятлари аниқланди (пленка қалинлиги 0,1 мм; 7-жадвал).


7-жадвалда келтирилган натижаларга кўра, 3% стабилизатор қўшилган намунанинг УБ-нурига бардошлилиги юқори эканлигини кўриш мумкин.

Модификацияланган намуналарнинг УБ-нурлар таъсирида 480 соат давомида нурланиши натижасида чўзилишдаги мустаҳкамлигининг ортиши, нурланишнинг давом эттириш натижасида чўзилишдаги мустаҳкамликнинг камайиши кузатилган. Буни дастлабки эскириш даврида ултрабинафша нурлар таъсирида полиэтиленни фотооксидлаш муҳитида қайта кристалланиши, сўнгра нурланиш вақтини узайиши натижасида полиэтилен молекуляр занжирининг деструкцияланиши билан тушунтириш мумкин. Бунда полиэтиленнинг бирламчи кристалл структураси парчалангани ва узилиш мустаҳкамлиги камаяди (7-жадвал).

Шунингдек, дастлабки полиэтилен ва модификацияланган полиэтилен намуналарининг атом кучланиш микроскопида (АКМ) ҳам тадқиқотлар ўтказилди (5-расм).



А)



Б)


**5-расм. ПЭ пленкасининг атом кучланиш микроскопдаги тасвири:  
А - ПЭ; Б – модификацияланган полиэтилен (3% ДАБТБ).**

Расмда модификацияланмаган ПЭ пленкаси сферик шаклдаги структуралардан иборат бўлиб плёнка юзасининг релефи деярли бир хил эканлигини, модификацияланган ПЭ юзасида эса майда қатламланган дисперсли структуралар ҳосил бўлганлигини, яъни модификатор заррачаларини пленка юзасида тақсимланганлигини кўриш мумкин. Уларнинг ўртача диаметри 184 нм ташкил этади.

Синтез қилинган мономер (ДАБТБ) «ОАК Джизак пластмасса» ва «ООО Qayum Xojı Servız» корхоналарда синовдан ўтказилди ва полиэтилен пленкалари учун УБ-стабилизатор сифатида тавсия этилди.

Юқорида баён қилинган тадқиқотлар натижасида бензимидазол ёки бензотриазол асосида диаллил мономерлар олишнинг принципиал технологик

схемаси таклиф этилди (6-расм). Бензотриазол (ёки бензимидазол) билан аллил бромид асосида диаллил мономер тузларини ишлаб чиқаришни даврий ва узлуксиз усуллар билан амалга ошириш мумкин.



**6-расм. Бензимидазол ёки бензотриазол асосида диаллил мономерлар олишнинг принципиал технологик схемаси:**

1-реактор; 2- фильтр 3-хайдаш колоннаси; 4-конденсатор; 5- қайнатгич; 6- йиғгич; 7- совитгич; 8-қуритгич шкаф.

Керакли миқдорда бензотриазол ёки бензотриазол, эритувчи (этанол), аллилбромид, NaOH 1-аралаштиргичли реакторга солинади ва аралаштирилади. Реакция атмосфера босимида 70°C ҳароратда 10 соат давомида доимий аралаштириш билан олиб борилади. Реакция тугагандан кейин реакция массаси 2-фильтр орқали ўтказилади ва NaBr дан ажратиб олинади.

Реакция массасини эритувчи ва реакцияга киришмаган аллил бромиддан тозалаш учун 3-хайдаш колоннасига ўтказилади ва атмосфера босимида 71 ва 78 °C ҳароратда аллил бромид ва этанол ҳайдалади. Уларнинг буғлари 4-конденсаторда совигандан сўнг яна қайта ишлатиш учун 1-реакторга юборилади. Эритувчи ва аллил бромиддан тозаланган реакция массаси 20-25°C ҳароратда 7 совитгич орқали совутилади ва 8-қуритиш шкафига йўналтирилади. Маҳсулот ҳосил бўлиш унуми 86% тенг.

## ХУЛОСА

1. Бензимидазол, бензотриазол ва аллил бромид асосида янги диаллил аммонийли мономерлар синтез қилишнинг юқори самарали усули тавсия этилди.

2. Олинган диаллил тўртламчи аммонийли мономерларнинг тузилиши ИҚ-, ЯМР-, ПМР- спектроскопия ва хромато масс спектрометрия усуллари ёрдамида аниқланди.

3. Синтез қилинган 1,3-диаллилбензимидазолий ва 1,3-диаллил-бензотриазолийбромид мономерларининг радикал полимерланиш реакцияси ўрганилди. Олинган мономерларнинг полимерланиш шароитлари ва унга таъсир этувчи омиллар: эритувчи, инициатор табиати, мономер ва инициатор концентрацияси, ҳароратлар таъсири аниқланди.

4. 1,3-диаллилбензимидазолий ва 1,3-диаллилбензотриазолийбромид мономер тузларининг акрил кислота билан радикал сополимерланиш жараёни тадқиқ қилинди ва синтез қилинган сополимерларнинг таркиби, тузилиши аниқланди. Сополимерлар таркибини мономерларнинг бошланғич таркибига боғлиқлик диаграммаси, диад АК звенолари ҳосил бўлиш эҳтимоллари кўрсатилган. Файнман-Росс ва аналитик усуллар билан сополимерланиш константалари  $r_1 < 1$ ,  $r_2 > 1$  эканлиги ва уларнинг қийматлари бир-бирига яқин эканлиги аниқланди.

5. Синтез қилинган 1,3-диаллилбензотриазолийбромид «Jizzak plastmassa» АЖ ва «Qayum Xoji Serviz» MChJ корхоналарида синовдан ўтказилиб, полиэтилен пленкалари учун УБ-стабилизатор сифатида тавсия этилди ва самарали препарат эканлиги аниқланди.

6. Полиэтилен пленкаларини УБ-нурлари таъсиридан сақловчи юқори самарали диаллил тўртламчи аммонийли мономерлар синтезининг техник шarti ишлаб чиқилди ва технологияси тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01.  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО–ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ТАДЖИЕВА ШАХНОЗА АБДУВАЛИЕВНА**

**СИНТЕЗ И ТЕХНОЛОГИЯ ПРОИЗВОДНЫХ АЗОТСОДЕРЖАЩИХ  
ГЕТЕРОЦИКЛИЧЕСКИХ СОЕДИНЕНИЙ**

**02.00.14. - Технология органических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.3.PhD/T1282.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.tktiti.uz](http://www.tktiti.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:**

**Максумова Ойгура Ситдиковна**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Тешабаева Илмира Убайдуллаевна**  
доктор технических наук, доцент

**Худойбердиева Дилфуза Бахрамовна**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский Государственный технический университет имени И.А.Каримова**

Защита диссертации состоится « 03 » 03 2022 г. в « 9<sup>00</sup> » часов на заседании Ученого совета № DSc.03/30.12.2019.T.04.01. при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский р-н, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20), факс: (99871) 2447917, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz). Административное здание Ташкентского химико-технологического института, 2-этаж, конференц-зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического институт (зарегистрирована за № 287). Адрес: 100011, г. Ташкент Шайхонтохурский р-н, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан « 18 » 02 2022 года.

(протокол реестра рассылки № 96 от « 18 » 02 2022 г.).



**Туробжонов С.М.**  
Председатель научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**Кадиров Х.И.**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

**Рахмонбердиев Г.**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире полиазотсодержащие гетероциклические соединения, конденсированные с бензольным кольцом используются в качестве, полимерных материалов, устойчивых к воздействию ультрафиолетовому излучению, красителей, ингибиторов коррозии, присадок к топливу и маслам, каучуков, ускорителей процессов вулканизации, стабилизаторов полимерных композиций. При этом важно проводить научные исследования по получению веществ с практически полезными свойствами путем переработки производных гетероциклических соединений, содержащих активные функциональные группы.

В мире ведутся ряд научных исследований по разработке УБ стабилизаторов на основе двух и трех азотгетероатомных мономеров. В этом направлении уделяется особое внимание разработке технологии получения УБ стабилизаторов и проведению их испытаний, синтезу бензимидазола с активно реакционным центром бензольного и азольного кольца, мономерных солей на основе имидазолия путем N - аллилирования бензотриазолов и их применению в качестве добавок повышающих механических свойств, уменьшающих деструкцию полимерных матриц, устойчивых к высокой температуре и влиянию солнечных лучей.

В результате масштабных мер, принятых в последние годы в республике, достигаются определенные научные и практические результаты в модернизации химической и фармацевтической промышленности, расширении ассортимента конкурентоспособной продукции, создании новых запасов сырья, разработке технологий импортозамещающей продукции, в том числе синтезу новых ненасыщенных гетероароматических соединений на основе азотсодержащих гетероциклических соединений и из них полимерных материалов, устойчивых к ультрафиолетовому воздействию. В Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлена задача по «Дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности за счет перехода на качественно новый уровень высокотехнологичных обрабатывающих производств, особенно разработке готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья»<sup>1</sup>. При этом важное значение имеют научные исследования, направленные на получение 1,3-диаллилбензимидазолийбромидных, 1,3-диаллилбензотриазолийбромидных мономерных солей на основе бензимидазола и бензотриазола, оптимизации технологий радикальной полимеризации и сополимеризации.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по пяти

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2018 года № ПП-3983 «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», от 3 апреля 2019 года № ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности» и Распоряжению Президента Республики Узбекистан от 6 апреля 2017 года № Р-4891 «О критическом анализе объема и структуры импорта товаров (работ, услуг), углублению локализации производства импортозамещающей продукции», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с VII «Химическая технология и нанотехнология» приоритетным направлением развития науки и технологии республики.

